УШБУ СОНДА:
2 Хат ортида инсон бор
3 Ҳаёт чироғи
4 Масъулият ва бурч
Миллат келажагига дахлдор савол

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 13 (520) 2007 йил 3 апрель сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Гаров хатига ипотека шартларини белгилайдиган ёки ипотекага олувчи гаров хати бўйича ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун зарур бўлган ҳужжатлар илова қилиниши мумкин.

Агар гаров хатига илова қилинадиган ҳужжатлар уларни идентификация қилиш учун етарли даражада гаров хатида аниқ кўрсатилмаган бўлса ва бундай ҳужжатлар унинг ажралмас қисми эканлиги назарда тутилмаган бўлса, улар гаров хати бўйича ҳуқуқлар гаров хатини сотиш, гаровга қўйиш натижасида ёки бошқача тарзда қайси шахсларга ўтган бўлса, ана шу шахслар учун мажбурий эмас.

«ИПОТЕКА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН 18-МОДДА

Мамлакатимизда миллий ривожланиш моделини рўёбга чиқаришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати изчил амалга оширилаётир. Бу сиёсатни нафақат ҳамюртларимиз, балки халқаро ҳамжамият ҳам қўллаб-қувватламоқда. Ҳимояга муҳтож қатламларни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, миллатимиз фаровонлиги ва саломатлигини таъминлаш бўйича кучли ижтимоий ҳимоя мазкур сиёсатнинг асосий таркибий қисмларидан саналади.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури амалда

Ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асослари

Улар БМТ Конвенцияларига ҳар жиҳатдан мос

Республикамизда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар алоҳида эътироф этилаётир. Ўзбекистон ўтиш даврида асосий ижтимоий инфратузилмани сақлаб қолишга эришди. Бунинг натижасида мамлакатимизда умумий билим олишни таъминлаш бўйича кўзланган мақсадга эришилди ва айни пайтда бу соҳада амалга оширилган ишлар сифатини янада яхшилашга киришилди.

Ўзбекистон ҳукумати махсус ижтимоий дастурларни молиялашга алоҳида эътибор қаратиб, оналар ва болалар саломатлигини янада яхшилашнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда. Шуниси эътиборга лойиқки, Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш, мактаб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига давлат бюджетидан катта маблағ ажратмоқда. Кейинги икки йилда болалар уйлари ва мактаб-интернатларни капитал таъмирлаш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга 6,5 миллиардан ортиқ давлат ва ҳомийлик маблағлари йўналтирилди. 2007 йил 15 январда Вазирлар Маҳкамаси томонидан **«Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича тадбирлар дастури»**нинг тасдиқланган ҳам шундан далолат беради.

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олтита асосий шартномасини ратификация қилди ва ушбу шартномалар қоидалари ижроси тўғрисидаги даврий маърузаларни БМТнинг ваколатли органларига мунтазам тақдим этмоқда. Мамлакатимиз парламенти инсон ҳуқуқлари бўйича жами 60 дан ортиқ халқаро шартномани ратификация қилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги ва Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенциялари, шунингдек, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга риоя этиш мажбуриятларини МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб ўз зиммасига олган.

Масалан, Осиё тараққиёт банки, БМТ ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда аҳоли фаровонлигини ошириш стратегияси ишлаб чиқилмоқда. Бу стратегия даромад ва истеъмол даражасини ошириш орқали фаровонликни яхшилаш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни такомиллаштиришга қаратилган.

Юқорида қайд этилган халқаро ҳужжатлар мониторингига ҳам катта эътибор берилмоқда. Аввало, миллий қонунчилик меъёрлари ушбу ҳужжатлардаги қоидаларга мувофиқлаштирилмоқда. Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг асосий қоидалари тўлиқ имплементация қилинди. Бунда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрлари устуворлиги конституциявий асосда мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга доир қарийб 90 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Чунончи, фуқароларнинг пенсия таъминотини тартибга солувчи, шунингдек, айрим тоифаларни ижтимоий ҳимоялашнинг қонунчилик асосларини белгилашга оид қонунлар қабул қилинди. Чунончи, **«Фуқаролар соғлиқни сақлаш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида», «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»**ги қонунлар шулар сирасидандир.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатларни жадал ривожлантириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш жараёни аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг янги шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда қўллашни тақозо этмоқда. **«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»**ги қонун ва Жорий йилнинг 29 мартида Олий Мажлис Сенати томонидан «Йод етишмаслиги касилликлари профилактикаси тўғрисида»ги ва «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунларнинг тасдиқланиши ҳам инсонпарварликнинг юксак намунасидир, десак муболаға бўлмайди.

Президент Фармонлари ва қарорларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ҳукуматимиз юритаётган сиёсатнинг стратегик йўналишлари белгилаб берилган. Бу, биринчидан, аҳоли пул даромадини индексациялаш мақсадида энг кам иш ҳақини босқичма-босқич ошириш; иккинчидан, фуқароларнинг айрим тоифалари учун имтиёзлар белгилаш; учинчидан, аҳолининг кам таъминланган ва эҳтиёжманд қатламларига нафақалар жорий этиш; тўртинчидан, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган муайян жавобгар органлар ва уларнинг ваколатларини белгилаш, жумладан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига бундай ваколатларни юклашдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий йўналишларини белгилашда фуқароларнинг айрим тоифалари, яъни иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларни аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги қарори билан тасдиқланган **«Ижтимой ҳимоя йили»** Давлат дастури ушбу йўналишдаги муҳим вазифалардандир. Мазкур дастур БМТ Бош Ассамблеясининг тегишли қўмита ва сессиялари тавсияларига тўлиқ мос келади. Хусусан, мазкур дастурда амалдаги ижтимоий ҳимоя самарадорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалаштирилган ёндашувни амалга оширишга қаратилган янги қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, амалдаги ҳужжатларга қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритишни кўзда тутади. Жумладан, **«Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги, **«Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»**ги ва бошқа қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Ушбу дастурнинг барча қоидаларини амалга ошириш, шубҳасиз, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга ёрдам беради.

Мурод ҲАКИМОВ,
юридик фанлари номзоди

Adliya tizimi

Вазифалар белгилаб олинди



Ҳар қандай жамиятнинг маданий тараққиёт даражаси, маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Чунки, аёл фарзанд тарбияси, демакки, келажак авлод тарбияси учун масъулдир.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда аёлларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, 1998 йил "Оила йили", 1999 йил "Аёллар йили", 2001 йил "Оналар ва болалар йили", деб эълон қилиниши ва бу борада Давлат дастурлари қабул қилиниши ҳам фикримизнинг исботидир.

Шунингдек, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434-сонли Фармони қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Адлия вазирлигининг 2007 йил 31 мартда бўлиб ўтган кенгайтирилган Ҳайъат мажлисида мазкур Фармон ижросини таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги 299-сонли қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастури юзасидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусида бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифа ва йўналишлар белгилаб олинди. Мажлисни Адлия вазири Ф. Отахонов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор С.Инамова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Олий Мажлис Сенати ва қонунчилик палатаси қўмиталарининг раислари М.Ражабова ва И.Насриев, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармасининг мутасадди раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари – хотин-қизлар қўмитаси раислари, "Оила" илмий-амалий маркази масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор С.Инамова ўз маърузасида мамлакатимизда хотин-қизларнинг имкониятларини тўлиқ намоён қилишлари учун тегишли ҳуқуқий асос ва ижтимоий-маънавий муҳит яратилган бўлиб, ташкилотчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятига эга бўлган хотин-қизлар жамиятнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этаётганларини ҳамда бугунги кунда республика хотин-қизларининг жамоат ташкилоти сифатида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси самарали фаолият юритиб келаётганини таъкидлади.

Ҳайъат мажлисида Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтган қисқа давр мобайнида бир қатор давлат идоралари билан ҳамкорликда самарали иш олиб бориш йўлга қўйилганлиги, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга мос ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузини ошириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилганлиги қайд этиб ўтилди.

Жумладан, қўмита томонидан ҳудудий бўлинмалар фаолиятини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги тўлақонли иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, аёлларнинг яшаш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан хотин-қизларни оммавий равишда спортга жалб этиш тизимини яратиши, спорт мусобақаларини маҳаллаларда, турли бўғинлардаги ўқув юртларида, корхона ва ташкилотларда, шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида ўтказиш ва уларда хотин-қизлар иштирокини таъминлаш, бу борада кенг тарғибот-ташвиқот ишларини жадаллаштирилиш натижасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган ҳамда спорт тадбирларида фаол иштирок этаётган хотин-қизларнинг сони фақатгина ўтган йилда 7.5 миллион нафарга ошди. Бу кўрсаткич, 2005 йилга қараганда ярим миллион нафарга кўп, демакдир.

Шунингдек, йиғилишда Адлия вазирлиги ва Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида изчил ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги таъкидланди, ва бевосита адлия органлари томонидан амалга оширилган ишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, вазирлик томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтириш, вояга етмаганларни ҳимоя қилишга оид мавзуларда оммавий ахборот воситалари орқали 3310 марта чиқиш қилинганлиги, 4471 маротаба йиғилиш, семинар, учрашувлар, илмий-амалий конференция ва давра суҳбатлари ўтказилганини Адлия вазири ўринбосари Ҳ-М. Исоқов ўз маърузасида айтиб ўтди.

Аҳоли ўртасида оила-никоҳ муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, никоҳ бўйича диний маросимларни фақатгина никоҳ расмий рўйхатдан ўтказилгандан кейин ўтказиш бўйича диний ташкилотлар вакилларини жалб этган ҳолда тушунтириш ишларини ташкил этиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилганлиги, ФҲДЁ идоралари қошида "Оила дорилфунунлари", "Ёш оила мактаблари" ташкил этилиб, унда никоҳланувчи шахслар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбат ва тушунтириш ишлари ўтказилиб борилаётганлиги эътироф этилди.

Жорий йилда амалга киритилган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида белгиланган хотин-қизлар, хусусан, оналар ва болалар ижтимоий ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган тадбирларнинг амалга оширилиши, юқорида қайд этилган вазифалар билан ҳамоҳангдир.

Мажлисда, шунингдек, юқорида айтиб ўтилган ижобий ишлар билан бир қаторда, бу соҳада юзага келаётган айрим камчиликлар ва муаммолар ҳам мавжудлиги эътироф этилди. Хусусан, турли сабабларга кўра қонуний никоҳдан ўтмаслик оқибатида оталикни белгилаш кўрсаткичи ҳамон юқори бўлиб қолмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, хотин-қизлар қўмиталари ва маҳаллалар ҳамкорлигида оилаларда мавжуд ижтимоий муҳитни ўрганиш, юз бериши мумкин бўлган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш бўйича профилактика чора-тадбирлари белгиланган бўлса-да, уларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилаётганлигига эътибор қаратилди.

Ҳайъат мажлисида кун тартибига қўйилган масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, бу борадаги ишларни самарали йўлга қўйиш бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Адлия вазирлигининг
Ахборот хизмати

Эзгулик барқарор юрт

Ўзбекистон Республикаси Президенти аёлларимиз, оналаримиз, опа-сингилларимизнинг жамиятдаги ўрнига юксак баҳо бериб, «Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу-барокат киритадиган, хонадонимизни меҳр-мурувват, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида опа-сингилларимиздир», деб аёлнинг жамиятимиздаги мавқеи нақадар юксаклигини эътироф этганлар.

Маълумки, халқимизга хос бўлган ҳалоллик, фидойилик меҳр-шафқат каби инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланиб, ривож топади. Тошкент шаҳрининг Қашқар маҳалласида туғилиб камол топган Мукаррам исмли қизалоқ ҳам отаси Саидали акадаги тўғрисўзлик, адолатпарварлик, меҳнатсеварлик ва онаси Жамила аядаги саховатпешалик, меҳр-мурувват, шарқ аёлларига хос бўлган назокат каби ҳисларни қалбига жо қилиб улғайди. Айнан ана шу фазилатлар сабаб ҳаётда қадр-қиммат, одамлар орасида обрў-эътибор топа билди. Қарийб 30 йиллик педагоглик фаолияти давомида қанчадан-қанча ёшларга таълим тарбия берди. Ўқувчилари Мукаррам опани устоз дея эъзозлашса, катталар, ота-оналар эса уни саховатли қалб эгаси сифатида қадрлашади. Мукаррам опанинг шогирдлари орасида олимлар, фан номзодлари, тадбиркорлар, ишчилар, халқ артистлари ҳам бор.

— Собиқ ўқувчиларимнинг ҳаммаси ҳаётда ўз ўринларини топган, халқ эътиборидаги одамлар, — дейди Мукаррам опа фахрланиб. — Йигирма ё ўттиз йил аввалми, қачон битириб кетган бўлишмасин, барибир улар билан алоқа узилмаган. Вақт топиб, ҳол сўраб, байрамларда келиб, табриклаб кетади. Имконлари етгунча мактабимизга ҳомийлик қиладилар. Уларнинг орасида эл севган санъаткор Мирза Холмедов ҳам устозларини тез-тез йўқлаб туради. Собиқ ўқувчиларимизнинг ҳомийлик ёрдамида ўқувчиларни Самарқанд, Москва шаҳарларига саёҳатга олиб бордик.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўқув машғулоти

Адлия вазирлигида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»га асосан доимий равишда ўтказиб келинаётган навбатдаги ўқув машғулоти «Ўзбекистон ва жаҳон. Очиқ ташқи сиёсат ва миллий манфаатлар» мавзуига бағишланди.

Ўқув машғулотида иқтисод фанлари доктори, профессор, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг "Давлат ва ҳуқуқ" кафедраси мудири Гулчеҳра Назирова қатнашди ва нутқ сўзлади. Нотиқ ўз сўзида Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатидаги қисқа тарихий даврига тўхталиб, амалга оширилган улкан ишлар хусусида сўз юритди. Шунингдек, Г.Назирова ана шу қисқа давр мобайнида давлатимизни жаҳоннинг 165 мамлакати тан олгани, 120 дан ортиқ мамлакатлар билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида расмий дипломатия алоқалари ўрнатилгани ва айни кунларда ватанимиз пойтахтида 35 давлатнинг элчихонаси фаолият юритаётгани ҳам Ўзбекистон давлатининг ютуғи эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тошкент

Ўтган ҳафта Тошкент вилоят адлия бошқармаси билан ҳамкорликда вилоят Ички ишлар бошқармаси хорижга чиқиш ва кириш бўлимида вилоятнинг барча туман ва шаҳарлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари (ФҲДЁ) ходимлари ва вилоят ИИБ хорижга чиқиш кириш бўлимининг раҳбарлари, уларнинг туман, шаҳарлардаги бўлинмалари ходимлари иштирокида Оила кодексининг 215-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори ижросининг вилоятдаги аҳволи ва таҳлилига бағишланган семинар йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Акмал Инанбобоев, вилоят ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, подполковник Аҳмаджон Ғуломов, Тошкент вилоят ФҲДЁ мудиралар кенгашининг раиси Юлдуз Роҳатовалар бу борада юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида фикр юритдилар.

Адлия ва Ички ишлар вазирлиги 2003 йилдаги келишилган хатга асосан, ҳар иккала томон мазкур қарорларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш ва ҳамкорликдаги фаолиятларини янада кучайтиришга келишиб олдилар.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури амалда

Эзгулик барқарор юрт

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Опа собиқ ўқувчилари ҳақида кўп яхши гапларни айтди. Лекин камтарлик қилиб, ўзи тўғрисида ҳеч нима демаса-да, ҳамкасбларидан озми кўпми маълумотга эга бўлдик. Келинг, биз ҳам ўқувчиларимизга шу ҳақда қисқача маълумот бериб ўтайлик.

Мукаррам Мирҳусанова Олий тоифали ўқитувчи. 1994 йилдан буён пойтахтдаги 154-ўрта таълим мактабига раҳбарлик қилиб келмоқда. Раҳбарлик фаолиятини энг аввало, ўқувчиларнинг ота-оналари, оилавий шароити билан танишишдан бошлаган. Давлатимизнинг фуқаролар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида олиб бораётган устувор йўналишларидан илҳомланиб, мактабда ҳомийлик гуруҳини тузди. «Гўшт-сутсавдо» акциядорлик уюшмаси мактаб ошхонасини ўз маҳсулотлари билан таъминласа, биринчи автотаъмирлаш заводи мактаб таъмирига, Тошкент темирйўл муҳандислик институти эса маънавий-маърифий тадбирларга яқиндан кўмакдош.

Мукаррам опанинг елиб-югуриши, ташкилотчилик қобилияти орқали тузилган ҳомийлар фаолияти, шунингдек, ўқувчиларни ўқув қуроллари ва спорт анжомлари билан таъминлаш, нафақадаги устозларни ҳар байрамда совға-салом билан йўқлаш, маҳалладаги ногиронлар, ёлғиз қарияларга имкон қадар моддий ва маънавий ёрдам бериш каби хайрли ишлардан иборат. Республикамизда анъанавий тусга кирган «Отам, онам ва мен» спорт мусобақаси илк бор 154-мактабда ўтказилгани ҳам бежиз эмас. «Маҳалла, оила, мактаб» концепцияси бўйича Қорасув, Сарикўл, Олтинкўл маҳаллалари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Шу сабабли маҳаллада ва мактабда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар йўқ.

— Ҳаётга яна қайта келсам, яна ўқитувчилик касбини танлаган бўлардим, – деди Мукаррам опа суҳбатимиз давомида. Болаларга фақат билим бераман, деган одам ҳаётда хато қилади. Билим эзгулик тушунчалари билан ҳамоҳанг равишда бола онгига сингдирилса, у комил инсон бўлиб вояга етади. Болалар жуда ҳам сезгир бўлишади. Қалбимизда нималар борлигини муносабатимиз сохтами ё самимийми, дарров билиб олишади. Мактабимизда маҳаллалардаги ногирон болаларни якка тартибда ўқитиш йўлга қўйилган. Уларга алоҳида меҳр-мурувват ва сабр-тоқат билан таълим-тарбия бермоқ лозим. 2-«Б» синф ўқувчиси Самад Райимов ўқишни бошлаганда жуда ижиқ, ҳеч нарсага қизиқиши йўқ, лоқайд бола эди. Муаллимнинг касб маҳорати сабабли ҳозир ўқишга иштиёқи баланд. Расм чизишга қизиқади. Ўтган йили Равшан Қосимов 11-синфни битирди. У ҳунармандчилик буюмларини маромига етказиб ясайди. Бу ўқувчимизнинг келажагидан ҳам кўнглимиз тўқ.

Мукаррам опа учун энг олий мукофот ўқувчиларининг юзидаги бахтиёрлик ва қувонч ифодасидир. Мукаррам опа оиладан ҳам бахт топган аёл. Турмуш ўртоқлари ва фарзандлари унинг хайрли ишларига доимо хайрихоҳ. Шу сабабли ҳам Мукаррам опанинг бахти бутун, дастурхони тўкин. Эзгулик йўлида янгидан-янги ғайрат ва шижоат билан хизмат қилиб келмоқда. Ҳа, эзгулик қарор топган юрти, суянгувчи халқи бор ўзбек аёлларининг меҳр-муруввати чексиз, бахт-иқболи доимо буюкдир.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Юртимизда истиқлол шарофати билан инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадриятга айланмоқда. Бош Қомусимизнинг 35-моддасида белгиланганидек, «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт».

Tahlil va saboq

Хат ортида инсон бор

ёхуд Бухоро вилоятида фуқароларнинг мурожаатларига муносабат қандай?

Вилоят адлия бошқармаси ана шу қонун ҳужжатлари асосида Бухоро ва Олот туманлари ҳокимликларида **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги қонун ижросини ўрганиб чиқди. Ҳокимликларда қонун талабларига мувофиқ фуқаролар мурожаатларини вақтида кўриб чиқиш бўйича бирмунча ишлар олиб борилган.

Афсуски, ўрганиш жараёнида мурожаатларни кўриб чиқиш, фуқароларга ёзма равишда жавоб юбориш муддатларига амал қилинмаганлиги аниқланди.

Келинг, қонун меъёрлари бузилганлигига оид мисолларга мурожаат қилайлик.

Галаосиё шаҳри Нурафшон кўчаси 48-уйда яшовчи фуқаро О.Рўзиева савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратишни сўраб, Бухоро туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилган. Унинг аризаси 2006 йил 8 август куни ҳокимликда 437-сон билан рўйхатга олинди. Ариза тегишли тартибда ҳал этиш учун туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Тошевга юборилди.

Ўзбекистон Республикаси **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги қонуннинг 18-моддасига асосан фуқароларнинг мурожаатлари келиб тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши ва ушбу қонуннинг 21-моддасига асосан эса фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шартлигини ҳокимнинг биринчи ўринбосари буткул унутди. Ўрганиш куни, яъни 10 ноябрда фуқаро ҳақ-ҳуқуқини «қадрлаш» унинг ёдига тушди.

Ўтган йил давомида 21 нафар фуқаронинг мурожаатлари Т.Тошевнинг столи тортмасида «сабр-тоқат» билан ўз тақдири адолатли ҳал этилиши учун жавоб кутган. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Қонунга ҳурматсизликми, фуқаро ҳақ-ҳуқуқларини камситишми?

Яна бир гап. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 март кунидаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган **«Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилишни ташкил этиш бўйича»** Йўриқномага асосан фуқароларнинг мурожаатлари тегишли тартибда масъул бўлим ёки ходим (туман ҳокимлигида бу вазифа туман ҳокимлигининг иш юритиш бўлинмасига юклатилган) томонидан рўйхатга олиниши белгиланган. Т.Тошев томонидан фуқароларнинг аризалари тегишли тартибда рўйхатга олинмасдан қабул қилинган. Қизиғи, мазкур мурожаатлар вилоят ҳокимлигига тақдим қилинган ҳисоботларга киритилмаган. Бу кўзбўямачилик кимга керак бўлиб қолди?

Файзулла Аллаев номли ширкат хўжалиги ҳудудида умргузаронлик қилаётган фуқаро З.Каримова 2006 йил 5 сентябрь куни туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилиб, уй-жойни номига расмийлаштириб беришни сўраган. Ариза туман ҳокимлиги иш юритиш бўлинмасида рўйхатга олинмасдан ҳокимнинг биринчи ўринбосари Т.Тошев томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун туман «Уй-жой қурилиши» МЧЖ бошлиғи Н.Садировга йўлланган. Шу тарика 10 ноябргача З.Каримовага жавоб хати юборилмаган.

Туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бошлиғи Б.Бўронов Лоша қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро А.Ражабовнинг 2006 йил 17 июль куни ер майдонини ўзида қолдиришни сўраб ёзган аризаси ҳокимликда рўйхатга олинган бўлса-да, 100 кундан зиёд вақт мобайнида жавоб хати юборилмаган.

Фуқаролар мурожаатларига юзаки муносабат Б.Бўронов учун «арзимаган» ҳол бўлиб қолганлиги кишини ажаблантиради.

Туман бош меъмори Ф.Бобоев **«Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»**ги қонунни тушида ҳам кўрмаганга ўхшайди. «Кунжи қалъа», «Юрунболо», «Чорбакр», «Работи Қалмоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролар А.Тўраев, Ж.Пўлатов, И.Раҳматов, С.Тугаевлар ўз аризаларига бош меъмор имзоси билан ёзилган жавоб хатларини бир ярим икки ойдан сўнг олганликларини нима билан изоҳлаш мумкин?

Ачинарли томони шундаки, туман ҳокимлигининг иш юритиш бўлинмасида фуқаролар мурожаатларига жавоб хатлари юборилган ёки шахсан топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмас. Бақибеғамлик шу даражага бориб етганки, бўлинмада фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан ижро назорати олиб борилмаган. Натижада фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўйилган.

Фуқаролар мурожаатларига Олот туман ҳокимлигида ҳам эътибор суст. Масалан, 4-маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Н.Эрназаров 2006 йил 3 август куни туман ҳокимлигига ер майдони ажратиб беришни сўраб ариза билан мурожаат қилган. Ариза тегишли тартибда рўйхатга олиниб, кўриб чиқиш ва белгиланган қоидага асосан ҳал қилиш учун ҳокимнинг биринчи ўринбосари Ислом Полвоновга юборилган. Ҳокимиятнинг ором курсиси «аллалаб» қўйган шекилли, адлия ходимлари уни ғафлат уйқусидан уйғотгачгина 7 октябрда жавоб хати ёзган.

Қовун қовундан ранг олади, деганларидек туман ҳокими ўринбосари Ш.Сайлиев ҳам мансаб масъулиятини буткул унутиб қўйди. У «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Х.Раҳмонованинг деҳқон хўжалиги ташкил этишда амалий ёрдам беришни сўраб 2006 йил 27 апрель куни ёзган аризасига 160 кундан сўнг ёзма жавоб хати юборди. Қойил-е!

Демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган эканмиз, демократиянинг асосий принциплари – халқ иродасининг тўла ҳукм суриши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтиришга эришишимиз шарт. Бу олижаноб ғоя ҳаётимизда чуқур илдиз отсагина одамларни рози қилган бўламиз.

Қишлоқда яшайдиган фуқаролар ҳовли жой қилай, боғроғ барпо этай, деб яшайдилар. Эзгу мақсадни дилига тиккан «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қиладиган Б.Нодиров уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб, 2006 йил 16 мартда туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилди. Туман ҳокимлиги бош мутахассиси Бобомурод Бобоевга аризани мазмунан ўрганиб, белгиланган тартибда ҳал этиш ва жавоб ёзиш учун 190 (?) кун лозим бўлди. Бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?!

Шу ерда Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтишни лозим топдик. **«Бирор бир мансабдор шахс давлат сиёсатидан чекиниб, қонунга хилоф ишлар билан шуғулланадиган, ўз манфаатини давлат, халқ манфаатидан устун қўядиган бўлса, у кимлиги, кимнинг қариндоши, қайси раҳбарнинг оғайниси эканлигидан қатъи назар, муқаррар равишда жазосини олиши шарт»**. Шуни унутмаслик керакки, мавжуд муаммоларни ечиш учун масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, қатъиятли ва азму шижоатли раҳбарлар халқ орасида ҳамиша обрў-эътибор қозонган. Эл назарида бўлган.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 18 ва 21-моддалари талабларини бузганликлари учун тегишли туманлар судларида ҳуқуқбузарларга нисбатан қонун доирасида маъмурий жазолар қўлланилди. Фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини оёқости қилмаслик, уларнинг мурожаатларини вақтида кўриб чиқиш, қонуний манфаатларига путур етказмаслик энг муҳим вазифа бўлиб қолиши керак.

Валижон ЮСУПОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Фермер савол беради

Тадбиркор бўлмоқчиман

— Якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмоқчиман, қаерга мурожаат қилишим керак ва менга қандай ҳужжатлар керак бўлади?

Б.ҲАМИДОВА,
Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани

— Якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтишингиз учун ўзингиз яшаб турган туман ёки шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясига шахсан келиб ёки почта алоқаси орқали ариза-хабарнома тақдим этишингиз лозим бўлади.

Бунда давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги ариза-хабарномага қуйидагилар илова қилинади:

- 3х4 см ўлчамдаги иккита фотосурат;
- Рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори банк тўлов ҳужжати;
- Уч нусхада муҳр ва штамп эскизлари (якка тадбиркор хоҳишига кўра);
- Паспорт нусхаси.

Шартномадан шартноманинг фарқи

— Контрактация шартномасининг бошқа турдаги шартномалардан қандай фарқи бор?

А.АБДУЛЛАЕВ,
"Келажак" фермер хўжалиги раҳбари, Ховос тумани

— Фуқаролик кодексининг 465-моддасига асосан контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга — тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда, белгиланган баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Юқоридаги таърифдан кўринаётган турибдики, контрактация шартномаси олди-сотди шартномасининг алоҳида бир тури бўлса-да, олди–сотди шартномасининг бошқа турларидан фарқ қиладиган ўзига хос белгиларга эга.

Биринчидан, шартномада тарафлар сифатида — бир тарафдан қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирувчи, иккинчи тарафдан эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун харид қилувчи тадбиркорлик субъектлари қатнашади.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотувчи бўлиб, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқарувчининг ўзи ҳисобланади.

Учинчидан, шартнома бўйича сотиладиган товар — фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан иборат бўлади.

Қонун бузилса, рад этилади

— Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун нималар асос бўла олади?

Ш.КАРИМОВ,
"Хушнуд" фермер хўжалиги раҳбари, Янгибозор тумани

Барча тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади.

-тегишли бўлмаган рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қилганлиги

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги ПҚ-357-сонли қарори асосида тасдиқланган Низомда кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим қилинмаганлиги.

Тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун қуйидагилар ҳам асос бўлади.

-таъсис ҳужжатларининг ҳамда муҳр ва штамп эскизларида кўрсатилган фирма номининг бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотномада кўрсатилган фирма номи билан мос келмаслиги

- таъсис ҳужжатлари ҳамда муҳр ва штамп эскизларида кўрсатилган ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шакл турларига мувофиқ келмаслиги

-таъсис ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланган фаолият турларининг кўрсатилганлиги.

Саволларга Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бош маслаҳатчиси Фахриддин ҚЎЛДОШЕВ жавоб берди.

Imkoniyat va masuliyat

Солиқ – иқтисодиёт таянчи

уни тўлаш эса фуқаролик бурчимиздир

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ва мажлис кун тартибидаги масалалар муҳокамасида солиқ соҳасида амалга оширилаётган ишларга ҳам алоҳида тўхталди. Жумладан, Юртбошимиз хуфёна иқтисодиёт ҳамда пул маблағларининг банкдан ташқари айланишининг олдини олиш, тизимда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларига янада жиддийроқ эътибор ҳамда масъулият билан ёндашиш лозимлигини таъкидлади.

Юртбошимизнинг сўзларини тинглаб, ҳали амалга оширишимиз керак бўлган анчагина ишлар борлигини англадим.

Одатда хуфёна иқтисодиётга ёки пул маблағларининг банкдан ташқари айланишига қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш конституциявий бурчи эканлигини «унутган» юртдошларимиз қўл уришади. Бу тоифа кишилар ноқонуний йўл билан тез орада мўмай даромад топиш пайида бўладилар.

Ўтган 2006 йил давомида вилоят бўйича хуфёна иқтисодиёт, пул маблағларини банкдан ташқари айланишининг олдини олиш ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга барҳам бериш мақсадида 615 та қисқа муддатли, 123 та муддатли текширишлар ўтказилди. Муддатли текширишларда хўжалик юритувчи субъектлардан бюджетга 6 миллиард 963 миллион 800 минг сўм солиқ, мажбурий тўловлар ва молиявий жарималар ундирилди. Қисқа муддатли текширишларда эса 334 та назорат касса машинаси ва квитанция билан ишлаш тартибини бузиш, 351 та пул тушумларини банк муассасасига топширмаслик ҳолати аниқланди. Шунингдек, савдо қоидаларини бузганлиги, кирим қилинмаган маҳсулотни сотганлиги ва лицензиясиз фаолият юритганлиги учун жавобгарлардан 13.155.300 сўмлик дори-дармон воситалари, 11.643.100 сўмлик нефт маҳсулотлари, 16.192.000 сўмлик аудио, видео кассета ва лазер дисклар, 198.958.100 сўмлик спирт ва спиртли ичимликлар, 12.672.600 сўмлик тамаки маҳсулотлари олиб қўйилиб, 145 та яширин цехлар фаолияти фош этилди.

Масалан, Қўқон шаҳрининг Кўкалдош кўчасида яшовчи Баҳром Умаров худди биз юқорида назарда тутган устаси фаранг «тадбиркор»лардан бири чиқиб қолди. Баҳром ўз уйида яширин цех ташкил қилиб, спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган экан. Унинг уйида ўтказилган текширишда 201 литр спирт, 60 литр қўлбола спиртли ичимликлар, 1184 дона бўш шиша идишлар, 1000 дона қопқоқ, 1000 дона қоплама, 4 турдаги 2000 дона қалбаки акциз маркалар, жами 652.000 сўмлик маҳсулотлар далилий ашё тариқасида олиб қўйилган.

Баҳромнинг ҳамшаҳари — Жамолхон Носиров эса ўзининг Фаробий кўчасида жойлашган савдо дўконида 15 шиша акциз маркасиз, 89.744 дона акциз маркали спиртли ичимликларни, 103 дона чет элда ишлаб чиқарилган пиво маҳсулотларини ҳамда 890 дона салқин ичимликлар, жами 90.752 дона 56.087.030 сўмлик ичимликларни ҳеч қандай ҳужжатларсиз сотаётгани маълум бўлди. Марғилон шаҳридаги «Зафар — Давлат» хусусий фирмасида ўтказилган текширишда фирма раҳбари Ғанижон Худойбердиев 114.982.000 сўм савдо пулларини банкка топширмасдан ўз ҳамёнига «кирим» қилмоқчи бўлгани аниқланди. Бу ҳаракати билан Ғанижон Худойбердиев Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги **«Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 280-сонли қарори талабларини қўпол равишда бузган.

Албатта, қонунбузарлар тегишли жазога тортилдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бизнинг СВОЖЖДЛКК департаменти ва турли банк муассасалари ходимлари билан олиб бораётган ҳамкорлигимиз ҳам яхши самара беряпти. Унинг натижасида 2006 йилда хуфёна фаолият юритган хўжалик субъектларининг сони 2005 йилга нисбатан 95 тага камайди. Хуфёна иқтисодиётга кўл урган хўжалик юритувчи субъектларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига банд солиш натижасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга 1 миллиард 505 миллион 300 минг сўм маблағ ундирилди. Бу кўрсаткич 2005 йилда атиги 311.500.000 сўмни ташкил қилганди, холос.

Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари томонидан ҳали Низом жамғармасини тўлиқ шакллантирмаган хўжалик юритувчи субъектларга ҳам лицензия берилиши, бир фуқаронинг номига бир нечта корхонанинг расмийлаштирилиши каби ҳолатлар ҳам хуфёна иқтисодиётга йўл очиб беряпти.

Бундай ҳолатни Қува тумани мисолида кўришимиз мумкин. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2003-2004 йилларда фуқаро О.Ҳомидов номига «Осиё», «Шоҳ-Ҳаётбек» хусусий фирмалари ва «Меҳрибонлик» хусусий корхонаси, 2004-2005 йиллар мобайнида фуқаро С.Тўрахонова номига «Фалак-Осиё», «И.Ашурова», «Империал Бумер» хусусий фирмалари, 2005 йилда эса фуқаро Д.Шералиева номига «Коинот Чашмаси», «Қувақурилиш», «Омад Шодиёнаси», «Хуснигул-Бону» хусусий фирмалари расмийлаштирилиб, уларнинг Низом жамғармаси тўлиқ шакллантирилмасдан илгари улгуржи савдо қилиш учун рухсат гувоҳномаси берилган. Оқибатда бу субъектларнинг барчаси қисқа муддатда пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини амалга оширганликлари аниқланган ҳамда уларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан Жиноят кодексининг 189-моддаси, 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Тизимида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратганмиз. Бу борада бизга Ўзбекистон Республикасининг **«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»**ги қонуни, **«Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ органларида хизматни ўташ тўғрисида»**ги Низом, **«Кадрлар тайёрлаш»** миллий дастури ва бошқа бир қатор қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари дастуриламал бўлаётир. Кадрларни танлашда уларнинг топширилган ишга нечоғлик масъулият билан ёндошиши, билими, малакаси ва тажрибаси, маънавий-ахлоқий тарбияси каби мезонларга таянилаяпти. Айниқса, ходимларни танлаш учун синовлар кенг муқобил асосида ўтказиляпти. 2006 йил давомида танловда қатнашиш истагини билдирган 356 нафар номзоддан 178 нафари ишга қабул қилинди. Уларнинг 159 нафари (89,4 фоизи) олий, 19 таси (10,6 фоизи) ўртамахсус маълумотли эканлиги эътиборга молик. Қолаверса, вилоят солиқ идораларида «Устоз-шогирд» анъанасини жорий қилиш мақсадида ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 1999 йил 10 апрелдаги **«Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати тизимида мураббийликни ташкил этиш тўғрисида»**ги 96-сонли буйруғига биноан ишга янги қабул қилинган ходимларга мураббийларни бириктириш йўлга қўйилган.

Тизимда ўтган йили вилоятимиз бўйича ДСҚ солиқ академиясининг 1 йиллик қайта тайёрлаш факультетини 10 нафар, бакалавр ва магистрлар тайёрлаш факультетларини 5 нафар ходим тамомлади. Айни пайтда яна 21 нафар ходимларимиз таҳсил олмоқда. Шунингдек, раҳбарлик лавозимига тавсия этилган ходимлардан 1 нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида, 14 нафари эса Банк — Молия академиясида таълим олиб келди.

Бундан ташқари, ДСКнинг малака ошириш режасига асосан 2006 йилда 161 нафар ходим ДСҚ академияси ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Бошқарув институтида ўз малакаларини оширдилар. Яна 14 нафар ходим солиқ академиясида ташкил қилинган «Суд бошқарувчиси» йўналиши бўйича ўз билимини оширди. Шу билан бирга ўтган йили бошқармамиз ва унинг қуйи тизимларида 34 та касбий-иқтисодий, 10 та маънавий-маърифий ўқув машғулотлари ташкиллаштирилиб, мазкур машғулотларга вилоят маънавият ва маърифат маркази, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари ҳамда вилоятдаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари жалб қилинди.

Жорий йилда эса 305 нафар ходимнинг малакасини ошириш режалаштирилган. Бу 2006 йилга нисбатан 144 нафарга кўп демакдир. Йилнинг ўтган бир ярим ойи мобайнида 32 нафар ходим солиқ академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Бошқарув институтида малака оширгандилар. Айни пайтда шу муассасаларда яна 17 нафар ходимларимиз билим ва малакаларини оширишяпти. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, солиқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад **«Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар»,** деган конституциявий бурчни онгли интизомга айлантиришдан иборат. Зеро, солиқ — иқтисодиёт таянчи. Уни қасддан яширган, тўлашдан бўйин товлаган шахс қонун олдида жавоб бериши шубҳасиз.

Қобилжон ШОКИРОВ,
• Фарғона вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи

Mitti maslahat

Васий ким?

Оила кодексининг 176-моддасига биноан **васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади.** Ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларга, шунингдек, суд томонидан муомала лаёқати чекланган, деб топилган шахсларга нисбатан белгиланиши лозим. Шунингдек, ушбу кодекснинг 177-моддасига мувофиқ, боланинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлиб, васийлик ва ҳомийлик идоралари унинг ота-она тарбиясида қолиши бола манфаатларига жавоб бермаслигини, шунингдек, боланинг ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита хавф борлигини аниқласа, унга васий ёки ҳомий тайинланади.

Кодекснинг 178-моддасида қайд этилишича, ота-она олти ойдан ортиқ вақт мобайнида ҳозир бўлмаган тақдирда, агар болаларнинг манфаатлари учун зарур бўлса, уларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик белгиланади. Ота-оналик вақтинча белгиланмаганда, агар улар боласини қариндошлари ёки яқин кишилари қарамоғига тарбиялаш ва назорат қилиш учун қолдирган бўлсалар, болаларга васийлик ва ҳомийлик белгиланиши шарт эмас.

Кодекснинг 181-моддасида васий ва ҳомийнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга биноан васийлар ўз қарамоғидаги шахсларнинг қонуний вакиллари ҳисобланади ва улар номидан ҳамда уларнинг манфаатларини кўзлаб барча зарур битимларни тузади.

Ҳомийлар ўз қарамоғидаги шахсларга улар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришида кўмаклашади, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари учинчи шахслар томонидан суиистеъмол этилишидан ҳимоя қилади.

Ўз навбатида васий ва ҳомий турар жойи ўзгаргани ҳақида васийлик ва ҳомийлик идорасини хабардор қилиши; васийлиги ва ҳомийлигидаги болаларни тарбиялаш, уларнинг таъминоти, саломатлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиши ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза этиши, ўз қарамоғидаги вояга етмаган шахслар билан бирга яшаши шарт. Ўн олти ёшга тўлган ҳомийликдаги боланинг ўз ҳомийсидан алоҳида яшашига, башарти бу унинг тарбиясига ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишига салбий таъсир қилмаса, васийлик ва ҳомийлик идорасининг розилиги билан йўл қўйилади.

Бундан ташқари, васий ва ҳомий васийлиги ва ҳомийлигидаги боланинг фикри, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик идорасининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда болани тарбиялаш усулларини мустақил равишда белгилашга; васийлиги ёки ҳомийлигидаги болани қонуний асослар бўлмасдан туриб, ўз қарамоғида сақлаб турган ҳар қандай шахслардан, шу жумладан, боланинг яқин қариндошларидан суд тартибида қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

Васий ва ҳомий боланинг ўз ота-онаси ва бошқа яқин қариндошлари билан кўришиб туришига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас, бола манфаатларига зид ҳоллар бундан мустасно.

Улуғбек АШУРОВ

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар сингари хотин-қизлар ҳуқуқларининг эркаклар ҳуқуқлари билан шунчаки тенглаштириб қўйилишининг ўзи уларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлай олмаслигига асосланади. Бу, жумладан, шундай изоҳланадики, аёллар жамиятда эркаклар бажарадиган ишлар билан бир қаторда ўзига хос яна бир вазифа — оналик вазифасини ҳам бажарадилар. Бинобарин, хотин-қизларнинг ҳуқуқий мақоми, яъни уларга тегишли ҳуқуқлар ва бажарадиган мажбуриятлар мажмуи эркакларнинг ҳуқуқий мақоми билан айнан бир хил бўлмаслиги керак.

Маълумки, Ўзбекистонда аҳолининг 51 фоизидан кўпроғини аёллар ташкил этади ва бугунги кунда хотин-қизлар жамият тараққиётининг қудратли омилига айланган.

Jamiyatimiz maqsadi

Ҳаёт чироғи

Бинобарин, сўнгги йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оилани мустаҳкамлаш ва турли имтиёзлар бериш борасида бир қатор муҳим қонунлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинганлиги бежиз эмас. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оилани мустаҳкамлаш, никоҳнинг барқарор бўлиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46, 63, 64, 65, 66-моддаларида, шунингдек, бошқа бир қатор қонунларда ўз ифодасини топган.

Хотин-қизларнинг шахсий, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила Кодекси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодексида, шунингдек, **«Таълим тўғрисида»**ги (1997 йил 29 август), **«Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида»**ги (1996 йил 29 август), **«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»**ги (1998 йил 1 май), **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»**ги (янги таҳрири-2003 йил 29 август); **«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»**ги (1994 йил 5 май) қонунларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг, республика хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги **«Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2004 йил 27 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонунга мувофиқ, **«Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»**ги ҳамда **«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»**ги қонунларининг депутатликка сиёсий партиялар томонидан номзодлар кўрсатишига тааллуқли муҳим қўшимча киритилди. Унга кўра **«Хотин-қизлар сони сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим»**. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур норма орқали биринчидан, аёлларнинг сайловларда ўз номзодларини кўя олиш имконияти вужудга келади, иккинчидан, сайловчиларда ҳам танлаш доираси кенгаяди, яъни кўрсатилган номзодлар ичида сайловчи кимнинг (хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлишидан қатъи назар) салоҳияти, амалга оширган ишлари, қонунларни қай даражада тушуниш ва қабул қила олиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда овоз бериши мумкинлиги назарда тутилди. Бу эса, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга тўлиқ мос ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузини оширишга хизмат қилади.



Ўзбекистон Марказий Осиё давлатларидан биринчилардан бўлиб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг **«Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияси»**га қўшилди. 1995 йилда **«Тинчлик, тараққиёт ва тенглик»** шиори остида Пекин шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон хотин-қизларининг IV конференциясида мамлакатимиз хотин-қизлари вакиллари иштирок этиб, хотин-қизлар аҳволини яхшилашга қаратилган Пекин декларацияси Платформасига қўшилдилар, шу асосда республика хотин-қизларининг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кафолатловчи ҳукумат даражасидаги **«Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар масалалари бўйича Концепция ва дастурий ҳужжатлар»** ишлаб чиқилди ва 7 йўналиш асосида дастур яратилди, яъни:

1. Қизларни турмушга тайёрлаш дастури;
2. Соғлом авлод – соғлом жамият негизи дастури;
3. Экология ва аёл дастури;
4. Республика хотин-қизларининг халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар дастури;
5. Хотин-қизлар меҳнатини ижтимоий муҳофаза қилиш дастури;
6. Аёл, оила ва маҳалла дастури;
7. Маънавият-маърифат, таълим-тарбия дастури.

Бу дастурлар Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар учун муносиб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маънавий ҳаётни қарор топтиришга алоҳида эътибор бераётганлигидан, уларнинг аҳволини, турмуш шароитини яхшилаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан далолат беради. Зеро, Ўзбекистоннинг бугунги тараққиётида хотин-қизлар фаол иштирок этмоқдалар, улар фаол меҳнат ресурсларининг 45,1 фоизини ташкил этиб, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида етарли мавқега эгадирлар, ҳатто мудофаа, жамоат тартибини сақлаш каби эркакларнинг анъанавий касблари тармоқларига ҳам кириб бормоқдалар.

Хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлиқ намоён қилишлари учун ижтимоий-маънавий муҳит яратилмоқда. Ташкилотчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятига эга бўлган хотин-қизлар бошқарув тизимида ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз қонуний ўрнини эгаллашга эришишини таъминлаш муҳим аҳамиятга моликдир. Бунда давлат ташкилотлари билан бир қаторда, нодавлат нотижорат хотин-қизлар ташкилотларининг ўрнини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Чунки ана шундай жамоат ташкилотлари хотин-қизлар муаммоларини чуқурроқ ҳамда ихтисослашган ҳолда ўрганадилар, таҳлил қилиб тегишли ёрдам кўрсатадилар. Фуқаролик жамиятининг асосий элементларидан бири ҳам мана шунда намоён бўлади. Бугунги кунда мамлакатимизда қарийб 200 дан ортиқ хотин-қизлар нодавлат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Хотин-қизларнинг парламентдаги роли ошиб боришига эришиш уларнинг сиёсий ҳаётидаги мавқеи кўтарилиши учун заминдир.

Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1995 йил 2 мартда эълон қилинган **«Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида аёллар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонини эслаш ўринлидир.

Фармонда ҳокимиятнинг барча даражадаги ижроия органларида аёллар иштирокини таъминлаш назарда тутилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари лавозимлари жорий этилиб, ушбу лавозимларга тегишли хотин-қизлар қўмиталарининг раислари тайинланди, уларга оила, оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазаси учун масъулият юкланди.

Республикамизда илк бор 1994–1999 йилларда хотин-қизлар ҳам қўппартиявийлик асосида ўтказилган сайловда иштирок этиб, барча даражадаги вакиллик органлари депутатлигига сайландилар. 1999 йил 5 декабрда ўтказилган сайловларда 250 депутатлик мандатидан 17 ўринни аёллар қўлга киритдилар. Фоиз ҳисобида таҳлил шуни кўрсатадики, 1994 йилда Парламентда аёллар 6 фоизни ташкил этган бўлса, 1999 йилда бу 7 фоизни, 2004 йил қонунчилик палатасида 18,8 фоизни, Сенатда 15 фоизни ташкил этди. Бу эса хотин-қизларни давлат ва парламент даражасидаги масалаларни ҳал этишга жалб қилиш борасида салмоқли иш олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, **«Худонинг марҳамати билан оилани оила қиладиган зот – бу аёлдир»**. Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир. Улуғ донишмандлар Ватанга энг муносиб таъриф излаганда, уни она сиймосига қиёс этганларида катта маъно бор. Онани эъзозлаш бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Чунки, аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон хотин-қизларининг миллатидан қатъи назар, жаҳондаги ва мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларнинг яратувчиси, иштирокчиси сифатида мавқелари мустаҳкамланиб бормоқда. Бу жараён узлуксиз давом этишига етарли ҳуқуқий замин яратилган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур соҳада ҳуқуқий асосларнинг ўзигина етарли бўлмай, хотин-қизларнинг суянган тоғи, ҳимоячиси – азиз эркакларнинг ғамхўрлиги ва эътибори жамиятда аёлнинг шахс сифатида фаолият юритишида муҳим омил ҳисобланади.

Мухтабар ҲУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Ўзбекистон Республикасининг келажакда равнақ топиши унинг шу заминда яшовчи фарзандлари камолотига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир ота-она, оила, жамият доимо фарзандлар келажаги учун, уларнинг бугуни ва эртасини ўйлаб ҳаракат қилади. Бу борада Юртбошимиз, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш, бизнинг миллий хусусиятимиздир, деб таъкидлаган.

Faoliyat

Тиббий кўрик

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февралда 46-сон қарори билан тасдиқланган "Соғлом авлод" Давлат дастурида Оила кодексига мувофиқ никоҳгача тиббий кўрикдан ўтиш тизимини барпо этиш ва уни ўтказишда тиббий хизматларни кенгайтириш белгиланган. Оила қуришга аҳд қилган ҳар бир йигит-қиз никоҳга қадар қатъий тартибда тиббий кўрикдан ўтса, аввало улар ўз соғликлари, оила қуриш, фарзанд кўришга лаёқатлари ҳақида етарлича тасаввурга эга бўладилар, уларнинг бирида касаллик аломатлари сезилган тақдирда, улар оила қурмай туриб даволаниши, бу дарддан халос бўлиш имконияти туғилиши назарда тутилган. Мазкур Дастурнинг йўналишларидан бири, давлат, жамият ва оиланинг соғлом авлод туғилишига эътибори ва ғамхўрлигини кучайтиришга қаратилган.

Ана шу Дастурга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"**ги 365-сон қарори қабул қилинган ва унинг асосий мақсади соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишдир.

Тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби мазкур қарор билан тасдиқланган Низомда белгилан. Унга кўра никоҳланувчи шахслар психик, наркологик, таносил касалликлари, сил касаллиги ва ОИВ/ОИТС юзасидан тиббий кўрикдан ўтишлари лозим. Низом талаблари никоҳланувчи шахсларнинг фуқаролигидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ФҲДЁ органлари томонидан рўйхатдан ўтказиладиган барча никоҳларга жорий этилади.

Кейинги вақтларда оилаларда келин ёки куёвнинг касали бор экан, тўйдан олдин яширилган экан деган гаплар билан ёш оилалар бузилиб кетаётганлигини, ваҳоланки айрим ҳолларда улардан ногирон фарзандлар ҳам туғилаётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз. Шу сабабли тиббий кўрикдан ўтиш ҳар иккала ёшнинг бирбирининг соғлиғи ҳақида хабар топиши, бу келгусида улар ўртасида ҳар хил ноҳуш ҳолатларни олдини олиши билан бир қаторда соғлом авлодни туғилиши учун замин яратади. Бунинг учун юқоридаги Низом талабларига кўра, ҳар бир никоҳланувчи шахс, албатта, тиббий кўрикдан ўтиши лозим.

Никоҳланувчи шахслар ФҲДЁ органлари томонидан берилган йўлланмага асосан яшаш жойидаги соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли тиббиёт муассасаларига тиббий кўрикдан ўтадилар. Тиббий кўрик бепул ўтказилади.

Агар никоҳланувчи шахс ўз хизмати ёки иши турига кўра муайян тиббиёт муассасасига бириктирилган бўлса, у мазкур муассасада, озодликдан маҳрум этиш жойларидаги шахсларнинг тиббий кўриги эса Ички ишлар вазирлигининг тиббиёт муассасаларида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан никоҳланаётган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларининг вақтинча яшаш жойида тиббий кўрикдан ўтадилар.

Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги натижалари тўғрисида тиббиёт муассасасининг хулосаси маълумотномада акс эттирилиб, у тиббиёт муассасасининг муҳри ва раҳбарнинг имзоси билан тасдиқланади.

Никоҳланувчи шахсларда текшириш натижасида дарҳол даволаш курсидан ўтишни талаб этувчи касалликлар аниқланган тақдирда, улар белгиланган тартибда тегишли даволаш муассасаларига йўналтирилади.

Низом талабларига кўра, никоҳланувчи шахслар никоҳ қайд этилгунга қадар иккинчи томонни тиббий текшириш натижаларидан хабардор қилиши шарт. ФҲДЁ органлари эса, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганликларига ва уларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлигига ишонч ҳосил қилганларидан кейигина никоҳни қайд этишлари лозим.

Агар никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижасида уларнинг биттасида ёки ҳар иккаласида ушбу Низомда назарда тутилган касаллик аниқланган тақдирда, никоҳни қайд этиш томонларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлиги тасдиқлангандан кейин амалга оширилиши керак.

Текширилаётган шахс яшаш жойидаги даволаш-маслаҳат комиссиясининг хулосасига рози бўлмаган тақдирда тақрорий тиббий кўрик вилоят ва республика муассасаларида ўтказилиши мумкин. Низомга биноан никоҳни қайд этувчи шахслар тиббий кўрик натижалари тўғрисидаги ахборотнинг махфийлиги учун, тиббий кўрикни ўтказган врач эса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрик натижаларининг холислиги учун шахсан жавоб бериши белгиланган.

Аймгуль ЮСУПБАЕВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Dakki

Аёл жиноятга қўл урди

бунинг сабаби нима?

Оролбўйи транспорт прокуратураси томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси юзасидан доимий равишда бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўтказилган тадбирлар хотин-қизлар қўмиталари, жамоат ташкилотлари, давлат тузилмалари томонидан хотин-қизларнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оилада ва ижтимоий ҳаётдаги ролини ошириш борасида бир қатор камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Текширувлар натижалари Қорақалпоғистон хотин-қизлар қўмитаси, туман бўлимлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш юзасидан етарли даражада иш олиб борилмаётганидан далолат беради.

Бу эса ўз навбатида хотин-қизлар ўртасида турли хил жиноятлар содир этилишига олиб келмоқда.

2006 йилда Қўнғирот ТИИБ хизмат ҳудудида 193 жиноят рўйхатга олиниб, улардан 88 таси хотин-қизларга нисбатан кўзғатилган жиноят ишларидир.

Жиноий жавобгарликка тортилган хотин-қизларнинг аксарияти давлат ёки ўзганинг мулкини талон-торож қилиш йўли билан ўзлаштириш, божхона қоидаларини бузиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига қаршилик кўрсатиш, фирибгарлик, савдо фаолияти билан ноқонуний равишда шуғулланиш, безорилик, гиёҳвандлик моддасини ноқонуний равишда сақлаш ва ташиш жиноятларини содир этган.

Дейлик, «Қорақалпоғистон» темир йўл бекатида прокуратура ва божхона ходимлари томонидан ўтказилган божхона текширувида «Қўнғирот-Бейнов» поездининг 3-вагонида кетаётган фуқаро Нурсулув Ўтапбергенованинг юклари орасидан 2 килограмм 502 грамм «Марихуана» гиёҳвандлик воситаси топилди. Н.Ўтапбергенова суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Фуқаро Огулмар Режепова Мискин темир йўл вокзалида «Мискин-Учқудуқ» йўловчи поездига чиқмоқчи бўлиб турганида, Қўнғирот ТИИБ ходимларида шубҳа уйғотди. Холислар иштирокида текширилганда, унинг ёнида 0,84 грамм «героин» гиёҳванд моддаси борлиги аниқланди. У ҳам тегишли жазога тортилди.

Қорақалпоғистон Божхона бошқармаси 10-сонли «Қорақалпоғистон божхона» маскани ходимлари томонидан «Москва-Душанбе» поезди назоратдан ўтказилганда, фуқаро Балья Даниярова ўзи билан бирга 107.027 сўмлик жами 6 килограмм 935 грамм «Сокол» ва «Барс» порохларини ҳамда 1000 дона «ЦБО» маркали капсулаларни олиб кетаётганлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Албатта, у ҳам қилмишига яраша жазо олди.

Хотин-қизларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этишда маҳаллалардаги фаол аёллар, жумладан аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган, миллий-диний анъана ва урф-одатларни яхши биладиган ҳамда тегишли анъанавий урф-одат ва расм-русумлар ўтказилишида бош-қош бўладиган аёллар имкониятидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Агар шундай бўлса, хотин-қизлар билан ишлаш сезиларли даражада яхшиланган ва улар томонидан содир этилаётган турли қонунбузилишлар ва жиноятларнинг олди олинган бўлар эди.

Абу МЕНГИҚУЛОВ,
Оролбўйи транспорт прокурори ёрдамчиси,
Бозорбой УЛЛИБОБОЕВ,
журналист

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида

МАЪЛУМОТ

(2007 йил 24 мартдан 30 март ҳолатига)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. "Элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2007 йил 1 мартдаги 54-сонли буйруғи.*

2007 йил 24 мартда 1551-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 3 апрелдан кучга киради).

2. "Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар учун акциз солиғи тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага ўзгартиш киритиш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 18 январдаги 8, 01-02/8-5-сонли қарори.*

2007 йил 26 мартда 1101-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 апрелдан кучга киради).

3. "Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 23 февралдаги 24, 2007-20-сонли қарори.*

2007 йил 26 мартда 1109-7-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 апрелдан кучга киради).

4. "Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида Низомга қўшимча киритиш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 9 мартдаги 8/5-сонли қарори.*

2007 йил 26 мартда 1648-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 апрелдан кучга киради).

5. "Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 6 мартдаги 28, 2007-24-сонли қарори.*

2007 йил 28 мартда 1325-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 апрелдан кучга киради).

6. "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлигининг 2007 йил 15 мартдаги 15, ЭГ-01/19-1254, 01-02/8-8, 32 -сонли қарори.*

2007 йил 28 мартда 1242-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 апрелдан кучга киради).

7. "Ўсимлик (пахта) ёғи учун тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг махсус ҳисобварағига ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 27, 2007-23-сонли қарори.*

2007 йил 28 мартда 1666-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 апрелдан кучга киради).

8. "Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 28 февралдаги 26, 2007-22-сонли қарори.*

2007 йил 28 мартда 1667-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 апрелдан кучга киради).

9. "Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг 2007 йил 12 февралдаги 01/12-18/03, 20 -сонли қарори.*

2007 йил 28 мартда 1668-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 апрелдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Консигнация шартномалари бўйича товарларни реализация қиладиган айрим корхоналарга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тушунтириш. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 654, 01.03.1999 йил).*

2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солишнинг айрим масалалари тўғрисида тушунтириш. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 661, 04.03.1999 йил).*

3. Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг ялпи тушумидан ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом ва 1,2-сонли ўзгартиш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1234, 21.04.2003 йил), (рўйхат рақами 1234-1, 26.08.2005 йил), (рўйхат рақами 1234-2, 13.03.2006 йил).*

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 4 февралдаги ПФ-3205-сонли Фармонига мувофиқ улгуржи савдо корхоналарига солиқ солишдаги ўзгаришлар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1237, 28.04.2003 йил).*

5. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом ва 1,2,3-сонли ўзгартиш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1260, 21.07.2003 йил), (рўйхат рақами 1260-1, 08.02.2005 йил), (рўйхат рақами 1260-2, 13.10.2005 йил), (рўйхат рақами 1260-3, 16.03.2006 йил).*

6. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом ва 1-сонли ўзгартиш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1501, 02.08.2005 й), (рўйхат рақами 1501-1, 29.04.2006 йил).*

7. Ягона солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1590, 05.07.2006 йил).*

Адлия вазирининг 2007 йил 28 мартдаги 60-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. "Ўзбекистон Республикасида газ ва газконденсат конларини ишлаш қоидалари". *"Саноатконтехназорат" Давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжат аниқланди:

1. "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК томонидан 2003 йил 15 сентябрда 710Ш-1/390-сон билан тасдиқланган "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК ҳарбийлаштирилган қўриқлов бошқармаси шахсий таркибининг иш вақти ва дам олиш вақтини тартибга солиш тўғрисидаги низом" ва 1999 йил 16 сентябрда НОТБ-1/404-сон билан тасдиқланган "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акционерлик компанияси ҳарбийлаштирилган қўриқлов ходимлари меҳнатини муҳофаза қилиш қоидалари".

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

Mulohaza uchun mavzu

Миллат келажагига дахлдор савол

Ўтган йили мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган маърузаси ҳамон ёдимда. Ўша маърузада давлатимиз раҳбари ёшларимиз, айниқса, ўсмир ёшидаги қизлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, ҳар бир ота-онанинг бу борадаги бурчларини яна бир карра эслатиб ўтганди. Тўғриси, Юртбошимизнинг маърузасини тинглай туриб хаёлимдан бир фикр ўтди. Баъзида ўз фарзандимизнинг тарбияси учун қийналиб қоламиз. Уларнинг нима истаётганини тушунмаймиз. Лекин бутун бир давлатни бошқараётган, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати зиммасида бўлган инсоннинг ёшларимиз ҳақида бу қадар жон куйдириб сўзлашини эшитиб, у кишининг ёшларимиз тарбиясига нақадар жон койитишига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Ўзимизнинг лоқайдлигимиздан, фарзандларимизнинг эртаси учун Юртбошимиз даражасида қайғурмаслигимиздан уялиб кетдим.

Тан олиб айтиш керак, давлатимиз раҳбари ўз маърузасида миллат келажагига дахлдор саволни ўртага ташлади. Чунки бугунги ўсмир ёшидаги қизлар эртага уй бекаси ва она бўлишади. Биз бугун уларни қай даражада маданиятли, маърифатли, соғлом ва баркамол қилиб тарбияласак, эртага улар ҳам ўз фарзандларини ана шу мезонлар асосида тарбия қилишади. Демакки, миллатнинг эртаси, юксалиши, тараққиёти кўп томонлама бугунги қизлар – эртанги оналарга боғлиқдир.

Ўз меҳнат фаолиятим давомида боболаримизнинг «боланинг ёмони бўлмайди», деган пурмаъно сўзлари бежизга айтилмаганига қайта-қайта иқрор бўлдим. Дарҳақиқат, дунёқараши энди-энди шаклланиб келаётган фарзанд ниҳолга ўхшайди. Қайси томонга тортсанг, ўша томонга эгилади. Унинг яхши ёки ёмон томонга эгилишига эса, шубҳасиз, биз — катталар сабабчи бўламиз.

Маълумки, ҳар қандай боланинг феъл-атвори энг аввало оилада, кейин боғчада, ундан сўнг мактабда шаклланади. Бошқача айтганда, боланинг қандай инсон бўлиб вояга етиши ана шу уч омилга чамбарчас боғлиқ. Албатта, бу ўринда маҳалла-кўй, атроф-муҳитнинг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Ахир, ота-боболаримиз «бир болага етти маҳалла ота-она», деган нақлни ҳам бежизга айтишмаган. Демак, бу фикрдан фарзанд тарбияси учун ҳар биримиз ўзимиз яшаб турган жамият олдида бурчлимиз, деган хулоса келиб чиқади. Ана шу ўринда, ўз-ўзимизга «хўш бугун биз ўзимизнинг ана шу бурчимизни қай даражада бажараяпмиз», деган саволни бериб кўрсак, фойдадан холи бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, диёримизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ёшлар ва уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бугун ўсмир ёшидаги фарзандларимизнинг ўқиб-ўрганишлари, келажакда ҳар бири ўзи танлаган соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Таълим тизимини ривожлантириш учун давлат бюджетидан етарли миқдорда маблағ ажратилмоқда. Кейинги ўн беш йил ичида қуриб фойдаланишга топширилган янги мак-

таб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари юқоридаги фикримизга яққол мисол бўла олади. Қолаверса, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш мақсадида қабул қилинган янгидан-янги қонунлар, Президент Фармон ва қарорлари ҳам мақсад — яъни баркамол авлод тарбияси учун йўналтирилган.

Энди юқоридаги саволнинг жавобига тўхталсак. Тўғри, бу саволга ҳар ким ўз имкони, салоҳияти, билими, тафаккури ва жамиятда эгаллаб турган мавқеига қараб жавоб бериши мумкин. Дейлик, кимдир ёшларга таълим беради, яна биров унинг тарбияси билан шуғулланса, бошқа бир инсон ўсиб келаётган авлодга касб-ҳунар ўргатади. Буларнинг бари яхши, албатта. Лекин ўзимиз ҳам зерикдик. Ўқувчини ҳам зериктириб юбордик. Лекин минг афсуслар бўлсинки, ҳозирча бу соҳада бирор-бир ютуққа эришдик, деб мақтана олмаймиз. Шунинг учун ҳам қўшиққа айланаётган «шеър»ларни таҳлил қилишдан ўзимизни тийдик.

Хонандаларимиз томонидан



ўғирланаётган хориж мусиқалари ҳақида ҳам кўп ва хўп ёзилди. Демак, масаланинг бу жиҳатига ҳам тўхталиб ўтирмаймиз.

Клиплар ҳақида...

Келинг, клипларда чиқаётган ярим-яланғоч қизларимиз ва уялмай-нетмай уларнинг ўртасида «қўшиқ» куйлаётган аёл-у эркак хонандаларимизга инсоф тилаб, бу масалани ҳам четлаб ўтайлик. Чунки бундай беҳаё клипларни кўравериб, кўзимиз анча-бунча «қотиб» қолди. Лекин яқин бир йил орасида аёл хонандаларимиз клипнинг жуда антиқа усулини ўйлаб топишдики, бу ҳақда гапирмаслик ва ёзмасликнинг иложи йўқ.

Маълумки, кўҳна Шарқда азал-азалдан ётоқхона (хобгоҳ) жуда мўътабар жой ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у ҳамиша бегона кўздан асралган. Ота-онанинг ётоғига бегона-ку, ҳатто бўй етган фарзанлар ҳам киришмаган. Ахир, донишманд халқимиз чимилдиқни, келин-куёвнинг чилласини бекордан бекорга ўйлаб топмаганлар. Бу ҳам халқимизнинг ўзига хос қадрияти. Демак, уни топташга, эл кўзидан холи бўлган муқаддас хобгоҳни ҳаммага зангори экран орқали кўз-кўз қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Буни қарангки, кейинги пайтларда айрим аёл хонандаларимиз айнан муқаддас ҳисобланувчи хобгоҳда, яна бунинг устига тўшакка ётиб олиб, ярим-яланғоч ҳолда қўшиқ айта бошлашди. Аввалига янги чиққан «санъат осмонидаги чақноқ юлдузча»ларнинг бундай бешарм хатти-ҳаракатларига эътибор бермасликка, улар кўринган пайтда телевизорнинг қулоғини бошқа каналга бураб қўйишга ҳаракат қилдим.

Лекин ҳеч бир кутилмаганда «тўшакда қўшиқ айтувчи хонанда»лар сафи кенгайиб кетди. Энг ёмони, уларнинг орасида эл таниган, ўз иқтидори ва истеъдоди билан халқнинг ҳурматига сазовор бўлган, қўшиқлари кўпнинг кўнглидан жой олган ва асосийси, ўғил уйлантириб, қиз чиқарган хонандаларимиз ҳам пайдо бўла бошладики, энди бунисига чидаб бўлмайди. Уларни қўшиқ айта туриб тўшакда қилаётган хатти-ҳаракатларини кўриб ёқа ушламай иложингиз йўқ...

Шу ўринда бир мулоҳаза юритиб кўрайлик. Ҳеч бирингиз бегона эркакнинг олдида чўзилиб ётган, жиллақурса, ёнига ёстиқ олиб ёнбошлаган ўзбек аёлини кўрганмисиз? Йўқ. Ўзбек аёли тинка-ю мадори қуриб кетаётган бўлса ҳам бегона кўзнинг олдида, ҳаттоки, бўй етиб қолган ўғлининг олдида ҳам бу ишни қилмайди. Қилолмайди. Чунки унинг бундай қилишига орият, ўзбекона шарм-ҳаё туйғуси йўл қўймайди. Шундай экан, аёл хонандаларимизнинг миллион-миллион телетомошабинлар кўз ўнгида тўшакка ётиб олиб, ўзининг яланғоч оёқчаларини кўз-кўз қилишларини қандай тушуниш мумкин?..

Уларнинг бу ғайримиллий хатти-ҳаракатларини қандай оқласа бўлади?..

Умуман уларнинг ана шундай ҳолатда қўшиқ айтишдан кўзлаган мақсад-муддоалари нима?..

Ўзларининг қимматбаҳо ётоқхона жиҳозларини кўз-кўзлашми ёки?..

Қолаверса, бундай уятли ҳолатда қўшиқ айтиш нафақат миллий урф-одатларимизга, балки санъатга нисбатан ҳам ҳурматсизлик эмасми?..

Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, кекса авлод вакилларидан қай бири узала тушиб қўшиқ айтган?

Хуллас, бундай саволларни истаганингизча беришингиз мумкин. Фақатгина бу саволларга жавоб қайтарадиган мард топилмайди.

Майли, дейлик кимнингдир ўз ётоқхонасида ётиб олиб қўшиқ айтгиси келиб қолибди. Бемалол. Истаганича айтаверсин. Лекин унинг бу ҳолатини эл кўзига кўрсатиш шартми? Қолаверса, тўшакда қўшиқ айтаётган хонанданинг клипини (агар ана шу масхарабозликни клип, деб бўлса?) эфирга узатишдан олдин телевидение ходимлари ҳам бир ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди. Чунки телевидениеда фаолият кўрсатаётган ижодкорларнинг олдида ҳам жуда улкан масъулият турибди. Ёшларимизнинг қай даражада тарбияли ёки тарбиясиз бўлишида телевидениенинг ўрни жуда катта. Чунки бугун биз истаймизми ёки йўқми, техника асрида яшаяпмиз. Фарзандларимиз биз катталардан ҳам кўра кўпроқ телевизор олдида вақт ўтказишади. Уларнинг маънавий дунёсини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ...

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, кўпчилик қизларимиз ўзлари севган хонандаларга ўхшашга ҳаракат қилишади. Улардек кийинишга, қўча-кўйда улардек юришга интилишади. Энди ўзингиз айтинг-чи, саҳнага ярим-яланғоч чиқиб, уялмай-нетмай тўшақда чўзилиб ётганча қўшиқ айтаётган хонанда опаларимиз ўсмир қизларимизга нимани ўргатишаяпти?..

Уларга ўхшашга ҳаракат қилаётган қизларимиз эртага қандай келин, энг асосийси, қандай она бўлишади?

Яқинда бир гуруҳ талаба ёшлар, аниқроғи, таҳририятга амалиёт ўташ учун келган бўлажак журналистлар билан айни шу мавзуда суҳбат ўтказдим. Аввалига суҳбат тариқасида бошланган гурунгимиз бир зумда баҳсга айланиб кетди. Чунки уларнинг кўпчилиги шоу бизнесни, замонавий эстрада, янгича клиплар ва саҳнада уялмай-нетмай қилпанглаб арабча рақс тушувчи қизларни ёқлаб кетишди. Мен уларга миллий маданиятимиз, урф-одатларимиз ва шарқона шарму ҳаё ҳақида сўзладим. Улар бўлса, «агар хонандаларимиз қилаётган хатти-ҳаракатлар нотўғри бўлса, нега энди бундай клипларни телевизор орқали кўрсатишади?» деб савол беришди. Тўғриси, ана шу саволга жавоб бера олмаганим учун ҳам ушбу мақолани ёзаяпман. Балки ғарб учун ярим-яланғоч, тўшакда ёки ҳовузда чўмилаётган қизлар орасида қўшиқ куйлаш оддий ҳолдир. Лекин бу биз — шарқликларга, айниқса, ўзбекларга тўғри келмайди. Агар менинг қўлимда имконият бўлганида эди, ана шундай ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи клипларни катта экранларда намойиш қилишни бутунлай тақиқлаб қўйган бўлардим. Афсуски, менда бундай имконият йўқ.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишни истардимки, миллат келажагига дахлдор бўлган ушбу масалага бефарқ қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Сўзимни мухтасар қилишдан аввал яна шуни таъкидлаб ўтишни истардим. Мен мақолада хобгоҳда қўшиқ айтиб, беҳаё қилиқлари билан ёшларимизнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган хонандаларнинг исм-шарифлари, қўшиқларининг номлари-ю, уларнинг унвонларигача санаб ўтишим мумкин эди. Лекин андиша қилдим. Фақат хонандаларимиздан бир илтимосим бор. Улар андишанинг отини қўркоқ қўйишмасин. Акс ҳолда улар элнинг назаридан қолишади. Элнинг назаридан қолишдан эса яратганнинг ўзи асрасин...

Ислом ҲАМРО

Мамлакатимизда Наврўзи олам тантаналари кенг нишонланди. Айни кунларда серфайз ва обод маҳаллаларда байрам шодиёналари давом этмоқда. Айниқса, маҳалла фаоллари «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, ногиронлар, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиб, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга бош-қош бўлмоқдалар.

Qadriyat

Улуғ мақсадлар сари

йўл маҳалладан бошланади

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг илк кунлариданоқ халқимиз турмуш тарзига хос барча урф-одат ва анъаналар, азалий эзгу қадриятлар тикланди. Айниқса, маҳалла институти фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизда фақат ўзбек халқигагина хос бўлган бу бетакрор миллий бошқарув идораси фаолиятини мустақил давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, эркин демократик жамият барпо этиш борасидаги эзгу мақсадларимизга мос ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилди. Президентимиз Фармони билан маҳалла институти фаолиятини қўллаб-қувватлаб, бу борадаги қадриятларни асраб-авайлашга хизмат қиладиган махсус тузилма — «Маҳалла» хайрия жамғармаси тузилди. Шунингдек, **«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда маҳалла қўмиталарининг маҳаллий бошқарув идораси сифатидаги ваколатлари белгилаб берилди.

Эътироф этиш жоизки, бугунги кунда маҳалла институтининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи бениҳоя ошди. Кундалик ҳаётимиздаги кўпгина масалалар маҳалла институти иштирокида ҳал этилмоқда. Чунончи, ёш оилалар, кекса ва ногиронлар, ёрдамга муҳтожларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, тарбияси оғир болалар билан шуғулланиш, айрим жанжалли оилалардаги келин-куёв, қайнона-келин, ака-ука ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш, маҳалла аҳлини меҳр-оқибатга чақириш — буларнинг барча-барчасида маҳалла ўзига хос ташкилотчилик вазифасини бажаради. Одамларнинг маҳаллага бўлган ишончи ортгани учун кўпгина масалаларда, аввало, мана шу бошқарув идораси фаолларига мурожаат қилиб, маслаҳат ва ёрдам сўраётганига ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Айтиш керакки, фуқароларни иш билан таъминлашда, жумладан, касаначиликни ташкил этишда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда, бинобарин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кичик корхоналар ташкил этилишига ҳам яқиндан ёрдамлашмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, **«Ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини-ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва ўрин кудан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз»**.

— Маҳалламиз фаоллари турли байрамларда мен каби имконияти чекланган кишилар ҳолидан хабар олишни канда қилишмайди, — дейди пойтахтимизнинг Ракат маҳалласида истиқомат қилувчи Зебинисо ая Холмуҳамедова.



— Наврўз байрамида менга ногиронлик аравачаси ҳадя этишди. Бундай ғамхўрлик учун, аввало, Юртбошимиздан миннатдорман. Шунингдек, «Ижтимоий ҳимоя» йилида мен сингари меҳнатга лаёқатсиз, имконияти чекланган кишиларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётгани ҳам ғоятда савобли ва хайрли ишдир.

Дарҳақиқат, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, кам таъминланган оилаларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамнинг кескин ортишини назарда тутади. Бунда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари нафақалар тайинлаш, моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқа шакларда аҳолини қўллаб-қувватлаш чоғида ижтимоий адолатнинг тўлиқ қарор топишига, қонунийликни таъминлашга эришишлари зарур. Бу эса кучли фуқаролик жамияти барпо этишдек эзгу мақсадимиз йўлидаги муҳим омиллардан биридир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: ***«Маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида не чоғли кўпайтирсак, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак, ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади»...***

Бобур ЎТАМУРОДОВ,
ЎзМУ ҳуқуқшунослик факультети магистри

«Инсон ва қонун» газетасининг аввалги сонида чоп этилган журналист Тўлқин Эшбекнинг "Қарзингиз қанча, қариндош?" сарлавҳали мақоласини ўқиб, юқоридаги фикрлар хаёлимдан ўтди. Дарҳақиқат, фуқаро ўзи яшаб турган жамиятдан нимадир талаб қилар экан, аввало, унинг ўзи ҳам жамият олдидаги масъулият ва бурчларини адо этмоғи лозим.

Mavzuga qaytib

Масъулият ва бурч

ана шу икки вазифани тўлиқ бажарадиган фуқарогина жамиятнинг фаол аъзосига айланади

Шу ўринда кимнингдир кўнглида наҳотки сув, чироқ ё газнинг пулини тўлаш ёки тўламасликнинг масъулият ва бурчдек юксак туйғуларга алоқаси бор, деган савол туғилиши мумкин. Келинг, сўзимизни ана шу саволга жавоб беришдан бошлайлик.



Энг аввало, фуқаронинг жамият олдидаги масъулияти ва бурчи ҳеч қачон катта ёки кичикка бўлинмайди. Қолаверса, ҳеч бир сабаб ёки баҳона билан фуқаро ўз бурчидан бўйин товлашга ҳаққи йўқ. Янаям соддароқ қилиб айтганда, ҳар қандай улкан тоғ ҳам аслида майда-майда зарралардан ташкил топади. Шундай экан, газ, чироқ ёки сувнинг пулини тўлаб қўйишга майда, арзимайдиган иш, деб қарамаслигимиз керак. Томчидан денгиз, зарралардан тоғ бунёд бўлгани каби, ана шу хизматларга тўланадиган, кимнингдир назарида арзимас бўлиб туюлган маблағлар йиғилиб, улкан рақамларга айланади. Келинг, сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун шу ўринда бир мисол келтириб ўтайлик.

2007 йилнинг январь, февраль ва март ойлари учун адлия органлари ва муассасалари ходимлари электр энергияси учун 98,1 миллион сўм, шундан биргина март ойи учун 38,7 миллион сўм маблағ тўлашган. Газ ҳақи учун эса ҳамкасбларимиз жорий йилнинг ўтган уч ойи учун жами 80,5 миллион сўм, шундан март ойи учун 32,7 миллион сўм миқдорида тўловни амалга оширишган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, бу адлия идоралари ходимларининг ўз уй-жойларида ишлатилган электр энергияси ва газ учун ихтиёрий тўлаган маблағларидир. Албатта, кимдир бир ой учун 5 минг, яна биров 15 минг тўлаган бўлиши мумкин. Энг асосийси, юқорида айтиб ўтганимиздек, кимларгадир арзимас кўринган маблағ йиғилиб-йиғилиб, салкам 200 миллионни ташкил қилаяпти. Биргина адлия идоралари ходимлари шунча тўловни амалга оширишган экан, агар мамлакатимизнинг барча фуқаролари ўзлари истеъмол қилаётган газ, электр энергияси ва сув учун тўлайдиган маблағни рақамларга айлантирсак, қандай катта миқдорни ташкил қилишини ўзингиз ҳисоблаб кўраверинг.

Одатда чироқ ўчиши, газ босими камлиги ҳақида нолишга ўрганиб қолганмиз. Бунинг учун электр энергияси ёки газ идоралари мутасаддиларидан хафа ҳам бўламиз. Ваҳоланки, чироқнинг вақтбевақт ўчиши ва газ босимининг зарур даражадан пастлигида сизу биз, яъни истеъмолчиларнинг ҳам ўзимизга яраша айбимиз бор. Чунки айнан бизнинг зарур тўловларни ўз вақтида бажармаслигимиз ушбу соҳаларда турли кутилмаган муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шундай экан "Қарзингиз қанча, қариндош?" мақоласи муаллифи таъкидлаганидек, нимадандир ёки кимдандир хафа бўлишдан аввал, қарзимизни узиб қўйсак, фойдадан холи бўлмасди.

Лолахон КАРИМОВА,
Адлия вазирлиги ходими

Jinoyat va jazo

Фирибнинг минг бир усули

Инсон ҳаётини оқар дарёга қиёслашади. Кимдир бу бир лаҳзалик умрни эзгу амаллар билан ўтказса, яна кимдир... Аслида ҳалол ва машаққатли меҳнат орқасидан бойиш ҳийла қийин аммо ҳалол ризқнинг ўзига яраша баракаси бор. Шунинг учун ҳам халқимиз «Ҳаромдан келган бойлик, шамолдек учиб кетади», дея бежизга айтилмаган.

Суд очерки

Газетамизнинг ўтган сонларида кимнингдир бошига тушган ташвишдан ўз мақсадларини кўзлаган кимсалар хусусида мақола эълон қилган эдик. Бугун ҳам яна шу мавзуни давом эттириб, кишиларнинг ҳожатини чиқараман, янаям аниқроғи иш билан таъминлайман, ўқишга киритиб қўяман, дея алдаб юрган фирибгарлар ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Тоҳир Маликов 1974 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозиргача Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Солор» қишлоғи, Лола кўчаси, 4-уйда истиқомат қилган. Маълумоти ўрта, оилали, ҳеч қаерда ишламайди. Т.Маликов аввал ҳам бир қатор қинғир ишлари туфайли Жиноят кодекси 168-моддасининг бир неча бандлари билан озодликдан маҳрум этилган. Президентимизнинг **«Амнистия тўғрисида»**ги Фармони билан белгиланган жазодан муддатидан аввал озод этилган.

«Ўрганган кўнгил...» деганларидек, ўзига кўрсатилган бағрикенглик, саховатпешаликдан керакли хулоса чиқариб олмаган бу кимса аввалги ишларини яна давом эттиради. Яъни фирибгарликни ўзига касб қилиб олади.

Олдинига ким, қаерга ўқишга ёки ишга кирмоқчи, бунга қанча пул тикмоқчилигини обдан кузатади. Фуқаро Нозима Жалилованинг ўғлини шаҳардаги коллежга ўқишга жойлаш нияти борлигини, бу йўлда «даллол» излаб юрганини пайқаб қолади-да, йўлини қилиб, у билан танишади.

Тоҳир Н.Жалиловага ўзини ўша коллеж кафедраси етакчи мутахассиси, дея таништиради. «Ўғлингизни ўқишга жойлайман, бу иш билан анча йилдан бери шуғулланиб келаман», дея ишонтиради. Ва ундан 1 минг АҚШ доллари ва 168 минг сўм пул олади.

— Бошқа ўқишга кирмоқчи бўлган танишларингиз бўлса ҳам менга хабар бераверинг, хоҳлаган ўқишларига жойлаб қўяман — дейди Тоҳир, — Нозима ҳам унинг сўзларига ишониб, яқин таниши ўғлини катта институтлардан бирига ўқишга киритмоқчи эканлигини айтди.

— У ерга ҳам тишингиз ўтадими? — сўрайди Нозима.

— Албатта, ахир ўша институтнинг кўзга кўринган кишилари билан гап ейман, — пинагини бузмай жавоб беради Тоҳир.

Шундан сўнг Нозима таниши билан Тоҳирни учраштиради.

Кейин Юнусобод туманининг 16-даҳасида жойлашган «Табиат» кафесида фуқаро Исмоилова Ҳамида билан учрашиб, худди Нозима Жалиловани ишонтиргандай Ҳамидани ҳам ишонтириб, ундан ҳам 1 минг АҚШ долларини олиб жуфтакни ростлайди. Оқибат шу бўладики, фуқаро Нозима Жалилованинг ўғли коллежга, Ҳамида Исмоилованинг ўғли институтга кира олмади. Бу орада Тоҳир анқонинг уруғига айланиб улгуради. У берган телефон рақами бутунлай бошқа шахсга тегишли бўлиб чиқади. Устига-устак Тоҳирбой жиноий ишларини давом эттириб, Миробод тумани С. Азимов кўчасида яшовчи фуқаро Умаровни ўқишга жойлашга ваъда қилиб, ундан ҳам 300 АҚШ доллари, фуқаро Аҳмедовни аэропортга ишга киритиб қўяман, деб 300 АҚШ доллари, интернет орқали фуқаро Ортиқхўжаевага ўзини «Али ал-Шайх» деб таништириб, унга Ўзбек-Араб қўшма корхонасини очиб бераман, деб ваъда қилади ва ундан бу ишларни амалга ошириш учун 1200 АҚШ доллари миқдорида пул олади. Фуқаро Ортиқхўжаеванинг дугонаси Шель Элни Бирлашган Араб Амирлигининг Ўзбекистондаги элчихонасига ишга киритиб қўяман, деб ундан ҳам 3800 АҚШ доллари миқдорида пул ундиради. Улар Тоҳирнинг чув туширгунлигини англашгач, ИИБ га хабар беришади. Бироқ «кўза кунда эмас кунида синади», деган гап бор. Тоҳирбойнинг кўзасига ҳали навбат етмаган экан шекилли, шунча қилғилиқ устига ҳамон ўз ишини давом эттирар ва бу йўлда ўзининг навбатдаги «ўлжа»ларини изларди.Фуқаро Т.Пигузова унга рўбарў келганида фирибгар қўлида ўйинчоқ бўлиб қолиши етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди.

Шайхонтоҳур тумани А.Навоий кўчаси, 2-уй, 68-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Т.Пигузовани Туркия давлатига виза очтириб, дам олишга юборишни ваъда қилган қаҳрамонимиз, ундан 3500 АҚШ доллари ҳамда умумий қиймати 300 минг сўмлик тилла занжир, 250 минг сўмлик «Нокиа-6230» уяли телефонини олиб, кўздан ғойиб бўлади.

Тоҳир жабрдийдалардан олган катта миқдордаги маблағ ҳамда қимматбаҳо буюмларни ўз эҳтиёжи йўлида сарфлаб юборади. Аммо кўза пўлатдан ясалмайди. У қачондир дарз кетиши, синиши муқаррар. Қаҳрамонимизнинг кўзаси ҳам вақти келиб дарз кета бошлади. 2006 йил 10 июнь куни Олой бозори ёнида ИИБ ходимлари уни фуқаро Т.Пигузова га тегишли бўлган «Нокиа-6230» уяли телефони билан қўлга олиб, холислар иштирокида баённома тузилади ва Тоҳир қамоққа олинади. Судда у ўз айбига иқрор бўлиб, олий ўқув юртларида, элчихоналарда ҳамда аэропортда ҳеч қандай таниши йўқлигини тан олиб ушбу фуқаролардан ўзлаштирган маблағлар ва буюмларни ўз эҳтиёжи йўлида сарфлаб юборганлигини ва уларни тўлай олмаслигини айтиб, суддан енгилроқ жазо тайинланишини сўради. Одил суд унга қилмишига яраша жазо берди.

Баъзи бир инсонлар ташвишни ўзларига сотиб олишади. Албатта, фарзандлари ўқишга кириб, хаётда ўз йўлини топишини ота-она орзу қилади. Бироқ юқорида биз номларини санаб ўтган фуқаролар ўз оёқлари билан фирибгар олдига боргунча, фарзандларига яхшироқ таълим олиш имкониятини яратиб берганларида улар ўз билим салоҳиятлари билан ўқишга киришлари мумкин эди-ку? Ёки ишга жойлашмоқчи бўлган фуқаролар амалдаги меҳнат қонунчилигини билганларида эди, ўз бошларига шундай ғавғо солмаган бўлар эдилар.

Тўғри, Т.Маликов айбдор ва ўз қилмишига яраша жазо олди. Лекин унинг фирибига учганларчи, улар айбдор эмасми...

Олия ТОШМАТОВА,
Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур тумани судининг судьяси,
Зафар ЁҚУБОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ЭЪЛОН

Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими 22-сонли Араб тилига ихтисослашган ўрта умумтаълим мактаби томонидан Адилов Даврон Эгамбердиевич номига берилган O`R A1707441 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси Навоий шаҳар 2-сонли давлат нотариал идора нотариуси Юлдаш РАХМОНОВнинг *вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.*

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Бобомурод РАЙИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Аҳмедов Абдуҳалим Абдурамонович, Рахмонов Абдукамол Шодиевич, Махмудов Лазизжон Мирзаевич, Содиқов Хуршид Махмасиддиқович, Мустафаев Бўритош Мустафаевич, Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Асли ддин СУЮНОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-315. Тиражи — 4098.

Босишга топшириш вақти — 21.30 Топширилди —

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50 inson_va_qonun@mail.ru

2 3 4 5 6